

ТЎҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТ СТРАТЕГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мансуров Саидхўжа Камалович

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети,
“Менежмент” кафедраси таянч докторанти

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СТРАТЕГИИ ЭКСПОРТА ТЕКСТИЛЯ

Мансуров Саидхўжа Камалович

Ташкентский государственный экономический университет,
Докторант кафедры менеджмента

IMPROVING THE EXPORT STRATEGY OF TEXTILE PRODUCTS

Mansurov Saidkhodja Kamalovich

Tashkent State University of Economics,
Doctoral Student of the Department of Management

Аннотация

Ушбу мақолада мамлакатимизда тўқимачилик корхоналарнинг экспорт салоҳиятини бугунги кундаги таҳлили, Европа бозорларига экспорт қилишда талаб этиладиган сертификатцияни корхоналарга жорий этиш, ҳамда соҳа олдидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: пахта хом ашё, тайёр маҳсулотлар, маҳсулот экспорти, экспорт стратегияси, қўшилган қиймат, ишлаб чиқариш хажми, саноат кооперацияси, рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар, тўқимачилик санаот ва кластерлари.

Аннотация

В данной статье представлен анализ текущего экспортного потенциала текстильных предприятий нашей страны, внедрение сертификации, необходимой для экспорта на европейские рынки, а также предложения по решению задач, стоящих перед отраслью.

Ключевые слова: хлопковое сырье, готовая продукция, экспорт продукции, экспортная стратегия, добавленная стоимость, объем производства, промышленная кооперация, конкурентоспособная готовая продукция, текстильная промышленность и кластеры.

Abstract

This article presents an analysis of the current export potential of textile enterprises in our country, the introduction of certification required for export to European markets, as well as proposals for solving the problems facing the industry.

Keywords: Cotton raw materials, finished products, product of export, export strategy, value added, production volume, industrial cooperation, competitive finished products, textile industry and clusters.

Кириш

Бугунги кунда тўқимачилик саноати мамлакатимизда йирик саноат инфратузилмасига айланиб улгирди. Тўқимачилик саноатида маҳаллий пахта хом ашёни қайта ишлаш даражаси бугунги кунга келиб 55 фоизни ташкил этиб, 98 та мамлакатлар кесимида ип-калава, трикотаж мато, ип-газлама ва тайёр-трикотаж маҳсулотлар экспортини амалга оширилиб келинмоқда. Соҳада олиб борилаётган чуқур иқтисодий ислохотларнинг негизида пахтани чуқур қайта ишлаш орқали, қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардошли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш орқали экспортга йўналтириш стратегик вазифалар жамланган.

Республикада ўртача йиллик 3,0 млн тонна пахта хом ашёси тайёрланиб келинади ва уларнинг барчаси маҳаллий кластер ва тўқимачилик корхоналар томонидан қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқилиб, жаҳон бозорларига экспорт қилиш жараёни амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакат тараққиёти ва фаровонлигини, Республика ялпи ички маҳсулотни ўсишини, аҳолини иш билан бандлик даражаси ва даромадларнинг юқорилигини, ҳудудларни инфраструктурасини яхшиланишини экспорт кўрсаткичлари белгилаб беради.

Маҳсулотлар экспортини диверсификация қилиш ва рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш давлат сиёсатидаги устувор йўналашлардан бири ҳисобланади.

Ҳукуматимиз томонидан тўқимачилик саноати равожланишидаги ислохотлар, соҳага оид қарор ва фармонларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда маҳаллий тадбиркорлар ва хорижий инвесторларга мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотларни ташқи бозорларга йўналтириш бўйича берилаётган имтиёзлар, шунингдек ўзбек пахтасининг сифати юқори даражада эканлиги, жаҳон ҳамжамиятида табиий ўзбек пахтасидан бўлган қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларга талаб катта эканлигини билдиради.

Жорий йилнинг 24-26 март кунлари мамлакатимизда ташкил этилган халқаро инвестиция форумида нутқ сўзлаган Президентимиз шахсан ўзлари бутун дунёдан ташриф буюрган инвесторларни мамлакатимизга инвестиция киритиш орқали ишлаб

чиқарилган маҳсулотларни экспортга йўналтиришда шахсан мен ўзим сизлар билан елкадошман дейишлари, Осиё ва Европа тараққиёт банклари, халқаро молия ташкилотлар ва хорижий компанияларни мамлакатга ишонч билан инвестиция киритиш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилинишида мамлакат тараққиётида яна бир муҳим қадамлардан бири бўлди.

Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулот ассортиментларини ҳамда қўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардошли тўқимачилик маҳсулотларини экспорт географиясини янада кенгайтиришда стратегик ёндашув муҳим аҳамият касб этади. Стратегия соҳани ривожлантиришга хизмат қилиб қолмай, балки стратегия қанчалик яхши ўйлаган ва мохирона амалга оширилган бўлса корхоналарнинг мавқеи шунчалик ошади.

Стратегия бу умумий тарзда корхонанинг мавқеини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларнинг талабларини қондириш ва қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган бошқариш режасидир. Аниқ стратегияни танлаш-ривожланишнинг мумкин бўлган турли йўллари ва усуллари ичидан энг мақбулини танлаб олиш демакдир. [1]

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Республикада ишлаб чиқариш жараёнида тўқимачилик корхоналари муҳим ўрин эгаллайди. Соҳага доир кўплаб қарорларнинг негизида мамлакатда маҳаллий фермерлар томонидан етиштирилаётган пахта хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган қўшимча қийматга эга бўлган тўқимачилик маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспортга йўналтиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сонли “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2] қарорида енгил саноатнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали биринчи навбатда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик, тикув-трикотаж, чарм-пойабзал ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва кенгайтириш, шунингдек, салоҳиятли хорижий инвесторларни жалб қилиш мақсадида:

- 2020-2025 йиллада тўқимачилик маҳсулотлари экспорт стратегияси ҳажмини 7 млрд.долларга етказиш;
- Тўқимачилик ва тикув-трикотаж тармоқлари корхоналарида халқаро стандартларни жорий этиш, тайёр маҳсулотларни ташқи бозорлар талабларини ҳисобга олган ҳолда сертификатлаш бўйича тадбирларни молиялаштириш;
- Тармоқ корхоналарининг халқаро кўرғазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиш, миллий бредларни яратиш ва илгари суриш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

-Илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, жумладан уларни хорижга ўқиш учун юбориш;

-Тўқимачилик корхоналарига ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 60 фоизидан кам бўлмаган корхоналарга 2023 йил 1 январга қадар мол-мулк солиғини тўлашдан озод этилиши қарорда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-53-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [2] фармонида 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширган корхоналарга, мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда жамғарма ҳисобидан субсидия ажратилади.

Шунингдек, ишлаб чиқилган маҳсулотларнинг 80 фоизини экспорт қилган тўқимачилик корхоналарга ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлаш; маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабарлор қилган ҳолда уч йил муддатгача юридик шахслардан олинadиган молк-мулк солиғи тўловини кечиктириш ҳуқуқи берилади. Бунда солиқни кечиктириш муддати тугаганидан сўнг солиқ қарзи ва ҳисобланган фоизлар кечиктириш муддатига тенг муддат мобайнида бўлиб-бўлиб тўланади.

Айни пайтда тўқимачилик корхоналар томонидан мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўзларининг тўлиқ ишлаб чиқариш қувватлардан фойдаланиш жараёнига босқичма-босқич ўтиб келинмоқда. Натижада, маҳаллий тадбиркорлар томонидан мазкур соҳага бўлган қизиқиш ва пахта юртимизда етиштирилишини инобатга олган ҳолда, мамлакат чекка ҳудудларда тўқимачилик корхоналар очилиши хар йили кўпайиб бормоқда.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 февралдаги ПК-4186-сонли “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” [2] қарорининг 5 бандида назарда тутувчи 2019-2025 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш концепциясига мувофиқ қуйидагилар келтирилган:

-комплекс ёндашув асосида хом ашёни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни, шу жумладан, саноат кооперациясини кенгайтириш ҳамда қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш

ва экспорт фаолиятини амалга ошириш, тўқимачилик маҳсулотларини сотишнинг ички ва ташқи бозорларни тадқиқ қилиш;

-ички ва ташқи бозорларда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, қўшимча қиймат яратишнинг ягона занжирини тузиш;

-Республикада ишлаб чиқариладиган пахта ип-каваларнинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти ҳажмини 7 млрд.долларга етказиш кўзда тутилган.

Қарор ижросини таъминлаш бўйича 2021 йилда Республика тўқимачилик маҳсулотлари экспорт ҳажми 2 931,1 млн. долларни ташкил этган бўлиб, 2017 йилга нисбатан 239 фоизга (ёки 1169,0 млн.доллар) ўсишга эришилди. Маҳсулотлар кесимида қараладиган бўлса, ип-калава 1018,3 млн.доллар, ип-газлама 153,6 млн.доллар, трикотаж мато 158 млн.доллар, тикув-трикотаж маҳсулотлари 1428,2 млн.доллар ва пайпоқ маҳсулотлари 43,1 млн.долларга чет давлатларга экспорт қилинган.

Экспорт географиясига эътибор қаратилса энг катта улуш МДХ мамлакатларига тўғри келган, ушбу мамлакатларга 2021 йилда экспорт кўрсаткичи 1 524,2 млн.долларни ва жами экспорт улушининг 55 фоизни ташкил қилган. Бу ерда асосий кўрсаткич ип-калава ва ярим тайёр маҳсулотларнинг улуши катта бўлганлиги сабабли, асосий стратегик вазифа ҳам ашёни чуқур қайта ишлаган ҳолда тайёр маҳсулотларнинг экспорт кўрсаткичларни тўлиқ таъминлашдан иборат. [3]

МДХ мамлакатлари тўқимачилик саноатининг анъанавий бозорлар сирасига киради. Мустақилликнинг илк даврдан бошлаб, бугунги кунгача ушбу давлатларга тўқимачилик маҳсулотлари экспорти амалга оширилиб келинмоқда ва бу борада Россия давлатининг улуши МДХ мамлакатлар ичида 2021 йилда 62,4 фоизни (ёки 951,7 млн. долларни) ташкил қилган. [3]

Жадвал-1 Республика тўқимачилик ва кластер маҳсулотларининг экспорт географияси

млн.долларда

№	Мамлакатлар номи	2018 й			2019 й			2020 й			2021 й		
		сумма	улуш и	ўсиш суръати	сумма	улуш и	ўсиш суръати	сумма	улуш и	ўсиш суръати	сумма	улуш и	ўсиш суръати
	Жами:	1 308 816,3	100 %	148%	1 541 337,4	100 %	118%	1 869 310,3	100 %	121%	2 931 191,3	100 %	157%
1	МДХ мамлакатлари	758 177,6	58%	137%	879 881,4	57%	116%	1 166 278,7	62%	133%	1 524 202,9	52%	131%
2	Европа иттифоқи ва Туркия	207 300,5	16%	140%	239 308,6	16%	115%	258 442,2	14%	108%	626 582,6	21%	242%
3	Жанубий ва шарқий Осиё мамлакатлари	309 873,9	24%	181%	390 462,6	25%	126%	403 534,6	22%	103%	685 846,7	23%	170%
4	Жанубий ғарбий Осиё мамлакатлари	2 922,4	0%	171904%	177,7	0%	6%	0,0	0%	0%	45 880,7	2%	#ДЕЛ/0!
5	Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари	3 237,0	0%	109%	2 680,2	0%	83%	1 998,0	0%	75%	13 344,4	0%	668%
6	Африка мамлакатлари	6 813,5	1%	1637%	512,2	0%	8%	367,5	0%	72%	32 129,7	1%	8742%
7	Бошқа мамлакатлар	20 491,4	2%	232%	28 314,8	2%	138%	38 689,2	2%	137%	3 204,3	0%	8%

Манба: "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики МДХ мамлакатларидан ташқари Европа ва Туркия давлатларига экспорт хажми кўрсаткичлари юқорилаган. Бунинг сабаби, ушбу давлатларга бериладиган имтиёзнинг яъни (GSP +) амалиётда қўлланилиши бошланганлиги билан боғлиқ.

Илгари, маҳаллий тўқимачилик корхоналари томонидан маҳсулотларни Европа бозорларига экспорт қилишда Россия ва Туркия давлатлари транзит йўллар орқали экспорт амалга оширилар эди. Бу эса маҳаллий корхоналаримизнинг фойдалилик даражасига ҳамда мамлакат тўқимачилик саноатини экспорт салоҳиятини тўлиқ намоён этмаганлигидан дарак беради. Бугунги кунда ушбу муаммолар тўлиқ бартараф этилиб, Европа мамлакатлари томонидан буюртмаларни кўпайишига олиб келмоқда.

Маълумот учун: GSP+ (умумлаштирилган имтиёзлар тизими) нинг моҳияти ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқариладиган ва ривожланаётган мамлакатлар томонидан ривожланган мамлакатларга олиб кириладиган товарларнинг айрим турлари учун таъриф ставкаларини пасайтириш ёки бекор қилишдан иборат.

Шу билан бирга 2009 йилдан бери “Cotton Campaign” халқаро каолицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан байкот эълон қилган эди. 13 йил давомида 331 та халқаро бренд ва ритейлер компаниялар жумладан, Adidas, Zara, C&A, G&A, Gap Inc., H&M, Levi Strauss&Co., Tesco, Walmart, Burberry Group PLC, The Walt Disney ва бошқа компаниялар ўзбек пахтасини сотиб олиниши таъқиқланган эди.

Хозир эса ушбу масала ечилди ва яқин келажакда юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб жаҳон бозорига рақобатбардош тайёр маҳаллий маҳсулотлар кириб келиши сезиларли даражада кўпайиши ва экспорт шартномаларнинг кўпайишига (маълумот учун: ҳозирги кунда экспорт салоҳияти қарийиб, 3,0 млрд.долларни ташкил қилса яқин йиллар ичида ушбу кўрсаткич белгиланган режадан 3-4 баробар кўпайишига асос ҳисобланади) шунингдек, юқоридаги брендлар томонидан мамлакатимиз чекка ҳудудларга инвестиция киритилиши натижасида аҳоли қатламнинг бандлик даражаси кўрсаткичларини кескин ошишига олиб келади.

Ўзбекистон қулай географик ҳудудида жойлашганлигини инобатга олган ҳолда Европа бозорларига чиқиш ўзбек пахтасидан бўлган табиий маҳсулотларга талаб юқори эканлигидан дарак беради. Европа мамлакатлари 50 та давлатдан ташкил топган бўлиб, аҳоли сони 748,1 млн кишини ташкил этади. Ўзбек пахтасига бўлган талабни ошириш ва пахтага бўлган байкотни ечилиши тўқимачилик саноатини янги босқичга олиб чиқиш имконини берди. [4]

Ҳозирги кунга қадар Европа иттифоқи мамлакатларга Бангладеш, Вьетнам, Туркия ва Хитой мамлакатларидан тўқимачилик маҳсулотлари импорт қилинмоқда. Рақамларга эътибор қаратилса Вьетнам 2019 йилда 4,3 млрд. доллар, Хитой 2018 йилда 47,8 млрд. доллар тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилган. [5]

Европа Итифоқиға йўналтирилган стратегик ёндашув узок муддатли мақсадни ифодалайди. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотларга қараганда Европа мамлакатларига 2020 йилда маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 258,4 млн.долларни ташкил қилган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 626,5 млн долларни ташкил қилиб ўсиш суръати 242 фоизга бажарилди. [3]

Европа бозорларига асосан маҳаллий йирик тўқимачилик ёки пахта-тўқимачилик кластер корхоналари экспортни йўлга қўйилган бўлиб, уларда Европа томонидан талаб этиладиган халқаро сертификатлар “BCI”, “SEDEX”, “OEKO TEX”, “GOTS”, “WRAP”, “Social Accauntability 8000”, “Nature textile”, “Soil association” ва “BSCI” мавжуд бўлиб, экспорт қилинишда ортиқча муаммоларга дуч келишмайди.

Қолган кичик корхоналар томонидан юқоридаги талаб этиладиган сертификатларни жорий этилиши босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда, бу эса Республика экспорт кўрсаткичларга ижобий таъсир ўтказиб келинмоқда.

Шу билан биргаликда, юқоридаги натижаларга эришиш билан биргаликда тизимда ҳал қилиниши керак бўлган масалалар ва камчиликлар кўзга ташланаётганлигини эътиборга олиш зарур.

Жорий йилда юзага келган Жаҳонда глобал молиявий иқтисодий инқироз давом этаётганлиги сабабли, тўқимачилик корхоналари томонидан маҳсулотларни чет элга экспорт фаолиятларини амалга оширишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

Маълумки, тўқимачилик маҳсулотларни экспорт қилишда Ўзбекистоннинг энг катта ва доимий бозори яъни, улуши Россия федерацияси тўғри келади, лекин ҳозирги кунда Россияда давом этаётган молиявий иқтисодий инқироз, Европа ва АҚШ давлатлари томонидан иқтисодий санкцияларнинг қўлланилиши туфайли Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларнинг таннархга сотилишига мажбур бўлмоқда, бу эса айланма маблағларнинг камайишига ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини вақтинча тўхтаб туришга ёки тўлиқ қувватда ишлашнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги “Республикада ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва саноат кооперациясини кенгайтиришнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-99-сонли қарорида [2] мамлакатда юқори технологик ишлаб чиқаришларни ривожлантиришнинг яхлит тизимини яратиш ва инвестицияларни фаол жалб этишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, талаб юқори бўлган кенг турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, саноат кооперациясини кенгайтириш ва республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида 1 пунктнинг а бандида

-тармоқ раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва ҳокимлар — янги турдаги маҳсулотларни (хизматлар) ўзлаштириш орқали ички бозорни мувозанатлаштирилган маҳаллий маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш,

мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқ ишлатиш ва кенгайтириш, шунингдек, импортни мақбуллаштириш учун;

тармоқлар раҳбарларининг биринчи ўринбосарлари ва ҳокимларнинг маҳаллий саноатни ривожлантириш бўйича ёрдамчилари-ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини ўрнатиш ҳамда ривожлантириш, ҳамкорларга ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар техник параметрлари ва сифатни тегишли талаблар ва стандартларга мослаштиришга кўмаклашиш, шунингдек, серияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш бегиланган;

Жадвал-2

Соҳа муаммолари

Логистика тизимида Европа мамлакатларида юриш ҳуқуқини берувчи “Дазвол” лицензияси танқислиги, маҳаллий логистика компанияларнинг рақобатбардошлиги пасайишига, ҳамда экспортёр корхоналар хорижий юк ташувчиларга буютмаларни беришларига сабаб бўлмоқда.	Хитойдан импорт ҳисобига олиб келаётган бутловчи қисмларнинг Хитой ва транзит йўналишидаги давлатлар темир йўл станцияларда 3-4-5 ойлаб қолиб кетиши натижасида экспорт кўрсаткичлари бажарилишига салбий таъсир ўтказмоқда.	Тожикистон Республикасига Ўзбекистондан импорт қилинадиган тўқимачилик маҳсулотларига 30 фоизгача бож ставкаси мавжудлиги ва бу орқали иккала давлат тадбиркорлари Ўзбекистон маҳсулотларини Тожикистонга тўғридан-тўғри шартномалар асосида эмас, балки жисмоний шахслар (Карго-сервис) орқали етказадилар. Натижада бундай услубда жўнатидган товарлар, расмий статистика ҳисоботида акс эттирилмаганлиги баробарида, уларни ишлаб ишлаб чиқарган корхоналар давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларидан маҳрум бўлиб келмоқдалар.	Европа Иттифоқи давлатларига экспорт қилишда зарур ҳисобланган халқаро стандартларнинг тўқимачилик корхоналарида жорий этиш даражаси паст.
---	---	---	---

Манба: “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги кунда тўқимачилик саноати ва кластерлари Ўзбекистон саноат иқтисодиёти ривожланиши ва халқ фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада соҳада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар фақатгина тадбиркорлик маанфатига хизмат қилиб қолмасдан, мамлакат ўзбек бренди асосида ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларнинг шаклланишига, мамлакатимиз чекка ҳудудларига инвестициялар киритилиши оқибатида вилоятнинг саноатдаги улушига ҳамда аҳолининг турмуш ҳаёти ва бандлик даражасига, шу билан биргаликда ҳудудий экспорт кўрсаткичларини ошишига хизмат кўрсатади.

Соҳани янада ривожлантириш ва тўқимачилик маҳсулотларини жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш, 2025 йилга келиб маҳаллий корхоналар томонидан экспорт кўрсаткичларни 7 млрд.доллардан ошириш ва Европа бозорларига кириб боришда Ўзбекистоннинг ўз ўрнини сақлаб қолиш мақсадида қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

1. Саноат кооперация доирасида маҳаллий кичик тўқимачилик корхоналарга йирик корхоналар томонидан хорижий мамлакатлардан қабул қилиб олинган буюртмаларини шартномада кўрсатилган муддатларда ўз вақтида ижросини таъминлаш мақсадида, кичик тўқимачилик корхоналарига хизмат кўрсатиш орқали иш билан таъминлаш.

Бунда Республика туман ҳокимлик вакиллари томонидан вақтинча чет давлатлардан буюртма йўқлиги сабабли ишлаб чиқариш фаолиятини вақтинча тўхтатган ёки банкротлик ёқасига келиб қолган тўқимачилик корхоналарига туман ҳокимлик мутасаддилари ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг ҳудудий вакиллари билан биргаликда ўзларининг ҳудудида жойлашган йирик тўқимачилик ва кластер корхоналар ўртасида битим шартномаларни амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш.

2. Маҳаллий юк ташувчиларга ДОЗВОЛларни кўпайтириш ҳамда уларни тақсимлаш механизмининг янада соддалаштириш ва шаффофлаштириш чораларини кўриш натижасида маҳаллий юк ташувчиларни доимий равишда экспорт юкларини ташишларига имконият яратилади.

3. Тўқимачилик корхоналарини экспорт шартномаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Хитойдан олиб келинаётган бутловчи қисмларни Хитой ва транзит йўналишидаги давлатлар темир йўл станцияларида Ўзбекистон юк олувчилар учун йуналтирилган юклар миқдорини, тўхтаб туриш сабабларини ўрганиш асосида, уларни манзилига қисқа муддатларда етказиб берилишини таъминлаш.

Шу билан бирга, Хитойдан юкларни Ўзбекистонга олиб келиш учун альтернатив маршрутларни (Тошкент-Андижон-Ўш-Иркиштам-Қашғар ва бошқалар) шунингдек автомобилларда маҳаллий юк ташувчиларни жалб қилган ҳолда юкларни етказиб бериш чораларини жадаллаштириш.

Хорижий шу жумладан Европа иттифоқи давлатларидаги буюртмачиларидан келаётган буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланади ва Республика миқёсида қўшимча 50 млн. доллардик маҳсулотлар экспорти амалга оширилади.

4. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларга Тожикистонга олиб кирилишида қўлланиладиган бож ставкаларини камайитириш ёхуд мутлоқ олиб ташлаш масалалсини ҳал этиш;

Жисмоний шахслар томонидан хорижий давлатларига олиб чиқиладиган товарларни экспорт статистикаси ҳисоботларида акс эттирилиши ва шу асосда ишлаб чиқарувчиларга нисбатан экспортёр корхоналарига қўлланилиб келинаётган тартибларини жорий этиш.

(Изоҳ 1 донa костюм шимнинг ўртача экспорт нархи 13-15 доллар бўлиб, Тожикистонда бож тўловлари ва транспорт харажатидан сўнг бу нарх 18-20 долларни ташкил этмоқда. Шунингдек, Тожикистон бозорида Хитой ва Туркия давлатлари ишлаб чиқарилган костюм шимнинг ўртача нархи 15-17 долларни ташкил этмоқда)

Таҳлилларга кўра, Тожикистоннинг йиллик костюм-шим маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қарийб 50 млн.долларга тенг 3,0 миллион донани ҳамда бошқа туркумдаги тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларига 60 млн.доллардан зиёд талабни ташкил этади.

Таклиф этилаётган чораларни амалга ошириш ҳисобига дастлабки қадамда Тожикистондаги тўқимачилик маҳсулотлари бозорининг энг камида 3 дан 1 қисми Ўзбекистон маҳсулотларига туғри келиши кутилади ва шунда қўшни давлатга тўқимачилик маҳсулотлари экспорт хажми 3 баровар еки 40 млн.доллардан ошиши кутилади.

5. Экспортёр корхоналар томонидан “BCI”, “SEDEX”, “OEKO TEX”, “GOTS”, “Яшил Тугма”, “WRAP”, “Social Accountability 8000”, “Nature textile”, “Soil association” ва “BSCI” каби сертификатларни олишларини кенг тарғибот ишларини йўлга қўйиш баробарида, уларни олиш учун “Ягон Ойна” мезонларига таянган ҳолда соддалаштирилган тизимини жорий этиш.

“Ягона Ойна” тизимида корхоналарга халқаро сертификатларни олишда энгиликлар яратилади. Маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларининг Европа Иттифоқи бозорларига кириб бориш хажми ортади ҳамда “GSP+” дастуридан самарали фойдаланишга эришилади.

6. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналар маҳсулотлари билан халқаро кўргазмаларда катнашиш орқали маҳаллий маҳсулотларни жаҳонда кенг тарғиб қилиш.

7. Тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилишда қўшимча қиймат солиғини Давлат солиқ қўмитаси томонидан кечиктирилмасдан ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Стратегик менежмент” ўқув қўлланма дарслик Н.Қ.Йўлдошев Тошкент 2019 й.
2. www.lex.uz
3. www.uzts.uz
4. www.ru.wikipedia.org
5. www.review.uz №9 (248,249) 2020

